

**ФОРМАЦИОН ВА ЦИВИЛИЗАЦИОН ЁНДАШУВЛАРНИНГ АСОСИЙ
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ГНОСЕОЛОГИК ТАҲЛИЛИ**

Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич

Тошкент давлат техника университетининг Қўқон филиали assistenti

Хусанбоев Муҳаммадқодир Хусанбой ўғли

*Тошкент давлат техника университетининг Қўқон филиали 4-20 ЭА
гуруҳ талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада жамият тараққиётини ўрганишда формацион ва цивилизацион ёндашувларни хусусиятлари ва мазкур ёндашувларнинг моҳияти атрофлича таҳлил этилган

Калит сўзлар: жамият, ривожланиш, тараққиёт, формацион ёндашув, цивилизацион ёндашув, цивилизация.

Маълумки, жамият ривожини ва тараққиётини ўз-ўзини ташкил этадиган ҳамда ўз-ўзидан ҳаракатланадиган тизим сифатида жуда мураккаб даражада ташкил топган моҳиятдан иборат. Жамият моҳиятини ва мазмунини ўрганишга бағишланган адабиёт ва манбалар билан атрофлича танишиш, гарчи, унинг тараққиётини ўрганишга бағишланган ёндашувларнинг анчагина эканлигини санаш мумкин бўлса-да, бироқ уларнинг орасида жамиятнинг мураккаб моҳият сифатидаги мазмунини очиб беришда, бизнингча, формацион ва цивилизацион ёндашувлар кўпчиликнинг эътиборини кўпроқ тортишганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Жумладан, фанда жамият тараққиётини ўрганишда маданиятшунослик, диний, географик детерминизм каби нуқтаи назарлардан ёндашувлар ҳам кенг тарқалган бўлиб, мазкур ёндашувлар томонидан ҳам инсониятнинг тарихий тараққиётини жуда мураккаб кечиши қайд этилишини таъкидлаб ўтиш зарур. Бироқ бундай методологик ёндашувларнинг ҳеч бири, фикримизча, ижтимоий тараққиётга хос бўлган умумий манзарани тўлиқ ёритиб бера олмайди, балки ҳар бир уринишда жамият тараққиётига хос бўлган жуда жузъий жиҳатлар асос қилиб олинганки, натижада бундай ёндашув ёрдамида жамият ва унинг тараққий этиши тўғрисида анчайин тор тушунча ва тасаввурлардан иборат манзара ҳосил бўлади. Худди шу боис биз формацион ва цивилизацион ёндашувларни таққослаш методологиясига таянишни муайян мантиққа эга усул деб ўйлаймиз.

Бунда, табиийки, формацион ёндашувни ёритиб бериш учун “ижтимоий-иқтисодий формация” тушунчаси концептуал аҳамиятга эга бўлса, цивилизацион ёндашув учун эса “цивилизация” тушунчаси асос бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, ушбу тушунчаларни таҳлил қилмасдан



туриб мазкур ёндашувларнинг моҳиятини атрофлича англаб етиш учун мумкин эмас. Шундай экан, олдимизда турган вазифани бажаришга киришишни дастлаб “формация” категориясини таҳлил этишдан бошлаймиз.

“Формацион ёндашув” атамасини қўллаш учун “формация” тушунчаси асос бўлиб хизмат қилади, албатта. Ушбу тушунчанинг этимологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, илмий лексиконда, дастлаб, геология фанида XVIII асрда, бу тушунчадан, биринчи навбатда, турли геологик қатламларнинг муайян типдаги қалин чўкиндиларининг ўзаро ўхшашликларини ифодалаш мақсадида фойдалана бошланганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун К.Маркс томонидан геология фани терминини ўзлаштирган ҳолда бу тушунчадан кенг фойдаланиши ўз вақтида фалсафа фани учун ҳам, жамиятшуносликнинг бошқа фанлари учун ҳам янгилик бўлган эди.

“Ижтимоий-иқтисодий формация” тушунчасидан илмий гносеологик категория сифатида К. Маркс биринчи марта ўзининг “Луи Бонапартнинг ўн саккизинчи брюмери” асарида фойдаланган¹. Бунда у ҳали эндигина шаклланиб келаётган буржуазиянинг манфаатларини ифодаладиган ғояларнинг шаклланиш хусусиятларига асосий эътиборни қаратган эди. Натижада К. Маркс ўшанда бу ғоялар бошида буржуа мафкурачилари томонидан қулдорчилик ва феодализмга хос бўлган ижтимоий онг шаклига мослаштирилганлигини қайд этганди. Бироқ бу ҳали буржуа муносабатлари ҳали қарор топиб улгурмаган ва худди шу боис унга нисбатан эътибор қаратиш даврнинг диққат марказига кўчмаган пайтда рўй берганди. Аммо капитализмнинг янги формация сифатида қарор топиши биланоқ, унинг моҳиятини англаш мақсадидаги гносеологик ёндашувлар ҳам кескин ўзгарди.

Формацион ёндашувга кўра, ижтимоий тараққиётнинг асосий манбаи сифатида ишлаб чиқариш кучлари билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятлар ташкил қилади. Мазкур назарияга мувофиқ жамиятнинг иқтисодий структураси ана шу элементларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, бутун жамиятнинг реал базисини ташкил қилади ва ҳуқуқий ва сиёсий устқурма унинг устига қурилади, ижтимоий онгнинг бошқа шакллари эса унга мос бўлади. Ана шу тарзда К. Маркс ишлаб чиқариш кучларининг ишлаб чиқариш муносабатлари характери ва даражасига мослик қонунини ўйлаб топди. Унга кўра жамият ривожини ва тараққиёти рўй бериши учун доимо ишлаб чиқариш кучлари тезроқ ривожланиши лозим. Натижада меҳнат қуролларининг тез янгиланиши чоғларида ишлаб чиқариш муносабатлари билан ишлаб чиқариш кучлари ўртасидаги мувозанат бузилади: янги ишлаб чиқарувчи кучлар эски ишлаб чиқариш муносабатлари қобиғида ривожлана

¹ Маркс К. Восемнадцатое брюмера Луи Бонапарта. // Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Изд-е 2-е. - Т. 16.-С. 374-376.

олмай қолади, оқибатда бундай номувофиклик зиддиятни юзага келтиради ва янги ишлаб чиқарувчи кучлар ўзлари ривожлана оладиган янги ишлаб чиқариш муносабатлари қобиғини яратиш пайига туша бошлайди.

Ижтимоий соҳада бу синфий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларда акс этади. Тарихий жараённинг субъекти бўлган алоҳида синфлар муайян ижтимоий-иқтисодий формация доирасида социал прогресс ва тараққиётнинг ташаббускори ва моддий ташувчилари(мас., буржуа жамиятида пролетариат) бўлиб майдонга чиқади. Зиддиятларнинг кучайиши ҳамда чуқурлашуви оқибатида уларни ечиш ва бартараф этиш учун синфлар ўртасидаги кураш вақт ўтиши билан аста-секин инқилоб шаклига айланади.

Кўриниб турибдики, формацион ёндашувда тарихий тараққиёт табиий, кишилар онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда жамиятнинг бир ижтимоий-иқтисодий формациядан янада ривожланганроқ ва прогрессивроқ бўлган бошқа типига ўтиб бориш жараёни сифатида талқин қилинади ва айна пайтда барча ижтимоий ўзгаришларнинг катализатори бўлиб социал инқилоблар ёрдамида ўз ечимини топадиган ижтимоий зиддиятлар ҳисобланиши ғояси илгари сурилади².

Биз алоҳида гносеологик таҳлил қилиш ниятида бўлган цивилизацион ёндашув эса “цивилизация” тушунчасига таянади. Формацион ёндашувдан фарқли равишда цивилизацион ёндашув амалда бутунлай XIX асрдаги фанлар ривожини доирасида шаклланди ва деярли “250 йил мобайнидаги тараққиёти давомида (“цивилизация” тушунчаси пайдо бўлган 1756 йилдан буён) фан тараққиётида кузатилган босқичларга хос бўлган талабларга мувофиқ равишда бир неча бор туб ўзгаришларни бошдан кечирди³.

Бу ўринда шуни шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, фанда ушбу тушунчага нисбатан хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлишига қарамасдан, “цивилизация”га берилган ягона ва умумий таъриф йўқ.

Тарихий жараёнларнинг тадрижий ривожини авж олаётган ҳозирги шароитда эса, “цивилизация” тушунчаси доимий равишда ўзгариб бормоқда ва борган сари янгича мазмун касб этиб бормоқдаки, булар ушбу тушунчанинг мураккаб ва серқирралигини тасдиқламоқда. Илмий жамоатчилик орасида “цивилизация” тушунчасининг географик, культурологик, социологик, этнопсихологик маънолари мавжудлиги тўғрисидаги талқинлар ҳам мавжуд.

“Цивилизация” тушунчасини географик маънода талқин қилиш кишилар жамоасининг шакл ва кўринишларига мунтазам равишда

² См.: Шергенг, Н.А. Гадельпина А.И. К вопросу о методологии формационного подхода. // Казанская наука. - № 1. - 2011, - С. 229-230.

³ Ионов И.Н. Теория цивилизаций и эволюция научного знания. // Общественные науки и современность. - 1997. - № 6. - С.118-135.

бевосита таъсир ўтказиб бориши натижасида табиат ҳамда умуман олганда бутун халқнинг ўзгаришига маълум бир географик муҳитнинг аҳамиятини асос қилиб кўрсатишга таянади. Бундай ёндашувни В.И. Ламанский, Л.И. Мечников ва бошқаларнинг асарларида кўришимиз мумкин. Географик маънода талқин қилиш тарафдорлари фикрича, иқлим ўзгаришлари цивилизациялар орасидаги муносабатларга жиддий таъсир кўрсатади ва “цивилизация” тушунчасига таъсир қилувчи географик омил, шунингдек, давлатлараро сиёсий муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаслигини ҳам гапириш мумкин.

Культурологик маънода талқин қилиш тўғрисида гап кетганда эса асосан рус фалсафаси вакиллари ушбу аспектга кўпроқ эътибор қаратишганлиги ва бу кўп ҳолларда “цивилизация” тушунчасини социомаданий феномен сифатида қараб чиқишга нисбатан урғу берганликлари кўзга яққол ташланади. Бунда асосий манба сифатида О.Шпенглернинг «Европанинг инқироzi»⁴ асари хизмат қилиши мумкин. Ушбу ёндашув унда “маданият” ва “цивилизация” тушунчаларидан фойдаланилганлиги ва тарихий тараққиёт жараёнида маданиятнинг цивилизацияга айланиб боришига эътибор қаратилганлиги боис қисман цивилизация ёндашувни такрорлайди. Бунда О. Шпенглер цивилизация деганда ҳар қандай маданиятнинг зарурий сўнгги кўриниши эканлигини таъкидлайди.

Маълумки, “цивилизация” термини грекча civil –шаҳарлик, шаҳарга оид маъноларини англатади. Социологик маънода талқин қилиш “цивилизация” тушунчасини мазмунан тушунтиришга яқин келади. Чунки ушбу ўринда умумий ўхшашликларга эга бўлган макон сифатида шаҳарга яқин жойларда шаклланидиган социал яшаш жойининг синоними сифатида ундан қўлланишга асосий урғу қаратилганлиги англашилмоқда. Илмий жамоатчилик орасида шаҳар социологиясини цивилизациянинг синоними сифатида қўлланган ҳолда тадқиқ этаётган олимлар ҳам мавжудлиги юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Этнопсихологик маънода талқин қилиш “цивилизация” тушунчасини этник тарих хусусиятлари билан биргаликда қараш лозимлигини даъво қилади. Бундай фикрлар Л.Н.Гумилев асарларида батафсил баён этилганлигини кўришимиз мумкин.

“Цивилизация” тушунчасига ёндашувларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги ушбу категориянинг “бирон-бир қатъий ва бир хил маъноли тарзда таъриф

⁴ См.: Шпенглер О. Закат Европы: В 2-х тт. - Т. 1. Образ и действительность. / Пер. с нем. И.И. Маханькова. - М.: АйрисПресс, 2003.



бериш қийин бўлган”⁵ категорияларга мансуб эканлигидан дарак беради ва шунинг учун инсоният маданиятининг варварликдан цивилизацияга босқичга ўтишнинг аниқ даврини аниқлаш қийин бўлганидек, цивилизациянинг тўғри таърифини бериш ҳам мушкул.

Айниқса, XIX асрнинг 60-йилларида “цивилизация” тушунчасига эътибор жуда кучайди. Натижада бу даврга келиб ушбу тушунчага нисбатан қизиқишнинг ортиши оқибатида унинг илмий лексиконда кенг оммалашуви кузатилди ва ўша даврда яратилган В. Далнинг “Рус тилининг изоҳли луғати” нинг биринчи нашрига ҳам киритилиб, “Цивилизация – инсон ва фуқаро томонидан истиқомат қилинадиган умумий ётоқхона, фуқаролик, ҳуқуқ қа мажбуриятларнинг эътироф этилиши”, деган ўзига хос таъриф берилди⁶.

2002 йилда нашр этилган “Рус тилининг катта изоҳли луғати” китобида цивилизация тушунчасининг нисбатан умумлаштирилган ва тизимлаштирилган таърифи берилганлигига гувоҳ бўламиз: “Цивилизация: 1. Жамият, унинг моддий ва маънавий маданияти тараққиётининг муайян босқичи (Антик цивилизация, Замоनावий цивилизация, йўқ бўлиб кетган цивилизация). 2. Ҳозирги замон дунё маданияти. 3. Тирик мавжудотлар мажмуасига хос маданий ва маънавий маданиятининг англланган реаллиги”⁷.

Шундай қилиб, энди эса “ижтимоий-иқтисодий формация” ва “цивилизация” тушунчаларига таъриф бергач, муҳокама этилаётган ёндашувларнинг ижобий ва салбий жиҳатларининг гносеологик таҳлили хусусида фикр юритамиз.

Ушбу ёндашувлар ижтимоий тараққиётнинг турлича типларини англлатгани ҳолда ижтимоий тизимларнинг кўп хиллиги ва бир тизимдан бошқасига ўтишнинг сабаблари ва имкониятларини ҳам турлича тушунтиради.

Ижтимоий-фалсафий методологиянинг таркибига тегишли ҳолда формацион ёндашув ижтимоий-иқтисодий формация ягона ва белгиловчи детерминант сифатида тан олинганлиги очиб бериладиган инсоният

⁵ Дилигенский Г.Г. «Конец истории»: смена цивилизаций? // Цивилизации. - М., 1993. Вып. 2. - С. 44.

⁶ Даль В.И. Толковый словарь русского языка. Современная версия. М.: Изд-во Эксмо, 2002. - С. 704. Он же. Словарь живого великорусского языка. Изд. 3-е. - Спб., 1903-1909 гг.

⁷ Ожегов С.И. и Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений. / Российская академия наук. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. - 4 изд., дополненное. - М.: Азбуковник, 2002. - С. 875.



тарихи(ижтимоий тизимлар)нинг бир ёқлама, бир ўлчамли, монистик манзарасини ифодаладиган асосий ғоядан иборат.

Формацион ёндашувдан фарқли равишда цивилизацион ёндашув эса муайян маданиятларнинг ўзаро сифат жиҳатдан фарқ қилишига асосланиб ижтимоий тизимлар типологияси шаклланишининг кўп ўлчамли кўринишидаги моҳиятдан иборатдир.

Формациялар назарияси тарафдорлари муайян тамойилларни диалектик, яъни зиддиятлар бирлигидан иборатлигини алоҳида ажратиб кўрсатган ҳолда жамиятни фавқулодда мураккаб тизим сифатида ўрганишни устун қўйишади.

Бундан ташқари формацион ёндашув методологияси даврлаштириш(иктисодиёт тараққиёти)нинг бирламчи мезонларини аниқ-равшан белгилаган ҳолда ва турлича ижтимоий тизимларни уларнинг прогрессивлик даражасига кўра таққослаш имконини бера оладиган бутун тарихий тараққиёт жараёнининг ўзига хос бўлган моделини тавсия этиш билан бирга, айти пайтда, ушбу назариянинг чуқур моҳияти ва кучли, энг муҳим томонларини ҳам акс эттиради.

Табиийки, тараққиётнинг нотекис тараққиёти сакрашлар билан бирга депсинишлар, илгарилаб кетишлар билан бирга орқада қолишлар, тезлашишлар билан бирга тўхтаб қолишлар рўй беришини ҳам инкор этмайди. Бироқ бу ерда тараққиётнинг нотекислиги – ўша йўлнинг ўзида, аммо бир хил бўлмаган тезликдалигини англатади.

Формацион ёндашувнинг ана шу жиҳатларини кўриб чиқиш чоғида тадқиқотчилар тарихий замонда бу тарздаги бир ёқламалиқдан иборат тасаввурлар универсал ҳодиса эмаслиги сир эмаслигини ҳам таъкидлашади. Уларнинг таъкидлашича, бутун бир бошли цивилизациялар замон тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга бўлмасдан бошқача вақт тасаввурларида яшашмоқда.

Бугунги кунга келиб илмий жамоатчилик орасида кенг тарқалган ижтимоий тузилманинг тарқалиб кетмаслиги, унинг бир бутунлигини асраш учун объектив заруриятнинг лозимлиги тўғрисидаги фикрга таянган ҳолда иқтисодий муносабатларни ана шу бутунликни сақлашда бирлаштирувчилик омили вазифасини ўташини таъкидлаш ўринли бўлади. Бироқ бунда шуни инобатга олиш лозимки, бундай объектив зарурият бўлган тақдирда ҳам фақат унинг ўзинигина бўлиши камлик қилади. Натижада маълум бўладики, моддий борлиққа (иқтисодий муносабатларга) яққол моҳияти жамоанинг ҳар бир аъзосининг ва айти пайтда бутун жамоанинг руҳий эркинлигидан иборат бўлган номоддий бирлаштирувчи омилни ҳам қўшиш керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш муҳимки, иккала ёндашув ҳам инсоният маданиятининг предмети ҳисобланади ва охир оқибатда мутлақ объектив

бўла олмайди ва тадқиқот мавзуси юзасидан изланишларни келгусида ҳам давом эттириш зарурлигидан дарак беради. Бунда цивилизацияон ёндашув ҳозирги даврда ижтимоий тизимларни янада кенгроқ қамровда ўрганиш, жамиятда юзага келиб турадиган зиддиятларни таҳлил қилиш, содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга баҳо бериш имконини беради. Шунингдек, айнан цивилизацияон ёндашув инсониятнинг кейинги тараққиётини башорат қилиш имконини берадики, бу унинг эвристик аҳамиятга молик жиҳати мавжудлигини ҳам кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маркс К. Восемнадцатое брюмера Луи Бонапарта. // Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Изд-е 2-е. - Т. 16.-С. 374-376.
2. Шергенг, Н.А. Гадельпина А.И. К вопросу о методологии формационного подхода. // Казанская наука. - № 1. - 2011, - С. 229-230.
3. Ионов И.Н. Теория цивилизаций и эволюция научного знания. // Общественные науки и современность. - 1997. - № 6. - С.118-135.
4. Шпенглер О. Закат Европы: В 2-х тт. - Т. 1. Образ и действительность. / Пер. с нем. И.И. Маханькова. - М.: АйрисПресс, 2003.
5. Дилигенский Г.Г. «Конец истории»: смена цивилизаций? // Цивилизации. - М., 1993. Вып. 2. - С. 44.
6. Даль В.И. Толковый словарь русского языка. Современная версия. М.: Изд-во Эксмо, 2002. - С. 704.
7. Ожегов С.И. и Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка: 80000 слов и фразеологических выражений. / Российская академия наук. Институт русского языка им. В.В.Виноградова. - 4 изд., дополненное. - М.: Азбуковник, 2002. - С. 875.